



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 192 (9.995)

2003 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬ

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Кадрли муаллим ва мураббийлар, муҳтарам устозлар!

Авваламбор, барчамиз учун қувончли бўлган мана шу кўтлуг айёмда сиз азизларни — бутун ҳаётини ёш плод тарбиясига бағишлаб келаётган, эзгулик бунёдлари бўлмиш фидойи инсонларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар!

Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз — ўқитувчи, мураббий ва устозлар зотини асрлар давомида улуглаб, олижаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилди, шайнингизга таҳсин ва тасаннолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларингизни тўла ифода этолмайди.

Чунки сизлар одамзот қалбига бу дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ноёб ва беқиёс бойликни жо этасизлар. Бу бойликнинг номи билим ва илму хунардир.

Сиз берган ана шу билим зиёси инсоннинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машаққатлар олдиди асанкирамадан, уларни сабот билан энгиб ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўлларини бамисоли маёқ бўлиб ёртади.

Шу боис, ер юзиди қанча қийинчилик, сурону тўфонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидойи одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний ибрати туфайли то ҳануз маърифат ва эзгулик заволи билмай яшаб келмоқда.

Бугунги кўтлуг байрам арафасида биз фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей-коллежлар остонасида бағрини очиб кутиб оладиган, уларга кунт ва меҳр билан сабоқ берадиган заҳматқаш муаллимларимизни, олий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига илм-фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини ҳам сингдирадиган муҳтарам домлаларимизни хурмат ва эҳтиром билан тилга олишимиз табиийдир.

Барча-барчамиз — бугун ҳаётдан муносиб ўрнини топган, элу юртга хизмат қилаётган ҳар бир инсон камолот йўлида, таъбир жоиз бўлса, унга зинапола бўлиб, ўз елкасини тутиб берган сиз, хурматли устозлар олдиди умрбод қарздормиз. Ва мен бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслигини истардим.

Бугун барчамиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол, она Ватани ва халқига садоқатли авлоднинг воёга етказиш, жондан азиз фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун интилиб яшаётган эканмиз, шахсан мен бу улғувор вазифани адо этишда сизларнинг ўзимнинг маслақдош ва кўмакчиларим, бу борадаги энг асосий ҳал қилувчи куч, деб биламан.

Ҳозирги пайтда биз бутун жаҳонда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуриимизни изчиллик билан амалга ошира бориб, таълим соҳасида катта ютуқларга эришмоқдамиз.

Бу, авваламбор, умидимиз ва таянчимиз бўлган истеъдодли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг дувруғини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бундай улкан зафарлар учун барчамиз биринчи галда сизлардан билимли, ўз касбига садоқатли, миллат ва халқ келажагини ўйлаб яшайдиган ўқитувчи ва мураббийлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Сизларни кўтлуг байрамингиз билан яна бир бор табриқлар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, савобли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қалбингиздаги меҳр ва маърифат нури асло сўнмасин, азизларим!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ

## 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Халқимиз қадимдан устозларни улуглаб келган. Улар ҳаётимизга зиё нурини таратувчи чагаронлар, авлодимиз боғбонларидирлар. Миробод туманидаги Абдулла Авлоний номли 328-ўрта мактаб директори Саида Маматкулова ана шу масъулиятли вазифада ўз касбини эъзозлаб келаётган устозлардан саналади. Энг қувончлиси, бу фидойи устоз ўзи таълим олган ушбу даргоҳда 36 йилдан буён болаларга сабоқ бериб келмоқда.

**СУРАТДА:** Саида Маматкулова (ўртада) ҳамкасблари даврасида.

(Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган қўш саҳифа билан газетанинг 4-5-бетларида таънишасиз.)

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонида кўра, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳи ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан, қуйидагилар ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг миллий истиқлол гоёси, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳига соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатиш йўлида фидойийлик намунасини кўрсатганлиги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Вахабова Огул** — Юнусобод туманидаги 51-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Абдуллаева Дильдар Мавляновна** — Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси

**Арифходжаев Сайдалим Аскарходжаевич** — Республика таълим маркази табиий билимлар бўлими бош методисти

Давоми 2-бетда.

## ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ИНВЕСТИЦИОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция қатнашчилари!  
Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз, Ислом тараққиёт банки Инвестицион конференцияси иштирокчиларини гўзал ва бетакрор Ўзбекистон заминиди кўтлаб, барчангизга ўзимнинг хурмат-эҳтиромимни билдираман.

Ўзбекистоннинг яқинда Ислом тараққиёт банкининг тўлақонли аъзоси этиб қабул қилинганлиги муносабати билан давлатимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ислом тараққиёт банки ва ислом давлатларининг ишлаб чиқариш, савдо, қурилиш, ахборот-технология соҳаларидаги етакчи компаниялари ва йирик банклари вакиллари иштирокидаги ушбу нуфузли анжуманининг илк бор Тошкентда ўтказилаётганлиги биз учун катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритишлари, иқтисодий ислохотлар жараёнида кенг ҳамкорлик қилишлари учун қулай шарт-шароит ва мустақкам ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки ва унга аъзо давлатлар билан нефть-газ ва энергетика саноати, рангли металллар ва қимматбаҳо тошлар қазиб олиш, кимё, авиация, автомобилсозлик, тўқимачилик ва машинасозлик тармоқларида, бой қишлоқ хўжалик хомашёси, айниқса, пахта толасини қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳамда банклар капиталида иштирок этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш борасида тарча зарур имкониятлар яратилганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, биз Сизлар билан ҳамкорликда минтақа давлатлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, Араб денгизи ва Форс кўрфазии портларига чиқадиган халқаро трансмиллий коммуникациялар барло этиш дунё мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этади, деб биламиз.

Ислом тараққиёт банки ва унинг таркибига кирувчи ислом давлатлари билан гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилишга, айниқса, бутун мусулмон оламига танилган тарихий обидалар ва маънавий ёдгорликларни қайта тиклаш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга биз катта эътибор қаратмоқдамиз.

Ишончим комилки, сизларнинг юртимизга ташрифингиз, анжуманда бўладиган ўзаро фикр алмашишлар, ўзбекистонлик ҳамкасбларингиз билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилиши Ислом тараққиёт банки ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни кучайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Мен ушбу нуфузли Инвестицион конференция ва унинг доирасида бўлиб ўтадиган устувор лойиҳаларнинг тақдирлари, тадбиркорларнинг ўзаро учрашувлари янги истиқболли қўшма лойиҳалар тузиш учун мустақкам замин яратади, сизларнинг иштирокингизда бўлиб ўтадиган мулоқотлар узок муддатли, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади, деб умид билдираман.

Анжуман давомида сизлар ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимияти ва меҳмондўстлигини ҳис этасиз, кўп асрлик тарихимиз, бой маънавий меросимиз, миллий кадрият ва аъналаримиз билан яқиндан танишиб, янги дўстлар, ишбилармон ҳамкорлар орттирасиз, деб қатъий ишонман. Сизларга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Давоми. Боши 1-бетда.

**Закиров Исламбай Исакович** — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Аминов Хасан Рашидович** — Республика рассомлик коллежининг тасвирий санъат ўқитувчиси

**Атаев Бахтияр Пулатович** — Ҳамза номидаги Тошкент музыка коллежининг музыка ўқитувчиси

**Полванова Раъно** — Мирзо Улугбек туманидаги 201-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод онгига юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фидокорона меҳнатлари билан кенг жамоатчиликнинг иззат-хурматига сазовор бўлганлиги учун куйидагилар мукофотланди:**

**«Эл-юрт хурмати» ордени билан**

**Абдуназарова Дилшат** — Сирғали туманидаги 300-мактабнинг директори

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Керимов Низами Азизович** — Яккараш бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директорининг ўринбосари

**Хлебжорова Галина Петровна** — Акмал Икромов туманидаги 404-максус мактабгача таълим муассасасининг сурдо педагоги

**Соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни яратиш, уларни ўз юртига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун куйидагилар мукофотланди:**

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Заиров Ўткир** — Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Ёшлар истеъдодини камол топтириш, уларни Ватанимизнинг муносиб фуқаролари, маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳамда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўшган катта ҳиссаси учун куйидагилар мукофотланди:**

**«Дўстлик» ордени билан**

**Ганиева Хурмат** — Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Жалалов Гулам** — Тошкент шаҳар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори

**Тўқшайтова Найля Идрисовна** —

Миробод туманидаги 60-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Хасанов Марат Абдушарипович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ёшлар билан ишлаш бўйича педагог-мураббийи

**Ёш авлодни миллий ва умумбашарий кадриятларга таянган ҳолда она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда таълим жараёнига янги, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида эришган муваффақиятлари учун куйидагилар мукофотланди:**

**«Шухрат» медали билан**

**Адылова Дилорам** — Ҳамза туманидаги 67-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Аслонова Мухтарам Аскарловна** — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номи академик лицейнинг биология ўқитувчиси

**Баситханова Мунира Шакировна** — Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Бухаров Адылжан Саидович** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик кадрлар бошқармаси бошлиғи

**Досимбетова Салиха Садыковна** — Бектемир туманидаги 290-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Юсупходжаева Мукаддас Акбаровна** — Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

## ЭЗГУЛИК БУНЁДКОРЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куні зўр шодиёна билан нишонланади. Боиси — эл-юртимиз устозлар тимсолида ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки улар қалбига она Ватан меҳрини, юксак инсоний фазилатларни сингдирадиган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.

Ана шу қўтлуг санага бағишланган тантанали йиғилиш 29 сентябрь куні пойтахтимизда «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Бу ерга узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи устозлар, илғор ўқитувчилар, мураббийлар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Дарҳақиқат, бугун биз билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам, ўз истеъдоди билан Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этаётган ўғил-қизлар тимсолида, энг ав-

вало, ўқитувчиларнинг эзгу меҳнати самарасини кўрамыз. «Ўзбек модели» сифатида бутун жаҳон эътирофи этаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини хайъта жорий қилиш, миллий истиклол ғоясини фарзандларимиз қалби ва онгига сингдириш борасида улар олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовор.

Бу жиҳатлар, айниқса, ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довругини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда. Шу боис ана шу шарафли касб эгалари байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан бир гуруҳ илғор педагоглар Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Байрам санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта мусиқий дастур билан якуланди.

## ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ АНЖУМАНИ

29 сентябрь куні пойтахтимиздаги Халқаро-бизнес марказида Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) Инвестицион конференцияси бошланди.

ИТБнинг шу ой бошида ўтган навбатдаги йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинган эди.

Ислом тараққиёт банки — халқаро тараққиётни қўллаб-қувватловчи молиявий муассаса бўлиб, 1973 йил 18 декабрда Ислом конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатлар молия вазирларининг йиғилишида таъсис этилган. ИТБнинг асосий мақсади мусулмон олами мамлакатларидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга қўмақлашидир. Ташкилот қароргоҳи Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида жойлашган.

Тошкентда очилган икки кунлик сармомвий анжуманда юзга яқин мамлакатдан ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ганиев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ислом тараққиёт банки Инвестицион конференцияси иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда ИТБ президенти Аҳмад Муҳаммад Али сўзга чиқиб, Ўзбекистон анжуманга юксак савияда тайёргарлик кўрганни таъкидлади. Меҳмондўстлик ва самимий қабул учун Президент Ислам Каримовга ҳамда ўзбек халқига миннатдорлик билдирди. ИТБ раҳбарияти мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган барча ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб келаётганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёт йўли, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий сармом жалб этишнинг устувор

йўналишлари, хусусийлаштириш жараёни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари тўғрисида сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, музокаралар ўтказди.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Ўзбекистон нефт ва газ секторини ривожлантиришга оид мавзудаги музокарада мазкур соҳаларга оид сармомвий лойиҳалар тақдими ва муҳокамаси бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий сармом жалб этишнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилди.

Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга бағишланган давра суҳбатида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, ипақчилик, тўқимачилик, энгил саноатни равнақ топтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сайёҳлик, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича музокаралар ҳам анжуман кун тартибидаги асосий масалалардан. Буюк Ипақ йўли бўйида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларимизда сайёҳликни, транспорт ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ИТБ анжумани иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Иқтисодий ислохотлар ва хусусийлаштириш жараёнига бағишланган музокараларда эса, мамлакатимизда энгил саноат, тоғ-кон, нефт ва газ, машинасозлик ва банк соҳаларидаги хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармомдорларнинг иштироки хусусидаги масалалар атрофида муҳокама этилди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОВ,**  
**Саидмурод РАХИМОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари**

## Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида Ватанимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги ва Обод маҳалла йиллига бағишланган «Маҳалладан бошланар Ватан» кўргазма-танлови бўлиб ўтди. Танлов ғолиблари ва совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

• Ўзбекистон Миллий университети марказий кутубхонасида талабалар ва ўқитувчиларга ўқув адабиётларидан фойдаланишда янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида буюртмасиз эркин фойдаланиш тизими жорий қилинди.

• Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида АҚШга йўл олаётган 20 нафар ёш фермерлар билан учрашув бўлиб ўтди.

• Нукус туманидаги «Шўртанбай» ширкат хўжалиги деҳқонлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарди.

• Фаргона вилоятининг Учкўприк туманида «Нуронийлар уйи» фойдаланишга топширилди.

• «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамиятида ишлаб чиқарилган, салонида 54 нафар йўловчи кетадиган «ИЛ-114» самолёти Тошкентдан Термизга ва Термиздан Тошкентга ўзининг дастлабки рейсини амалга оширди.

## Жаҳонда

• Россия Федерацияси Тиббиёт фанлари академиясининг Илмий жарроҳлик маркази генетик ва жарроҳлар 4 йиллик изланишлар натижасида майда қон томирлар тикилиши хасталигини даволашнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Энди инсон оёқлари ва танасининг бошқа қисмлари ампутиация қилинмасдан янги усул орқали укол билан даволашни мумкин.

• Франция ва Швейцариядан келадиган электр қувватининг узилди қолиши натижасида Италиянинг катта қисми электр энергиясиз қолди. Хусусан, Рим ва Ватикан шаҳарлари маълум муддатта тўла зулматга чўкди.

• Олтой Республикасида кучли зилзила рўй берди. Маълумотларга кўра, ҳалок бўлганлар йўқ бўлса-да, республикада фавқулодда ҳолат жорий этилди.

• Австралияде ер қуррасида динозаврлар ҳаёт кечирган Юра даврига тааллуқли бўлган қарағай дарахтининг қолдиқлари топилди.

• Германиянинг Франкфурт шаҳридан Дрезден шаҳрига йўл олган икки электр поездининг тўқнашиб кетиши натижасида 1 киши ҳалок бўлди, 29 нафар йўловчи оғир тан жароҳати олди.

• Саудия Арабистонидаги қамоқхоналарнинг бирида ёнгин чикиши натижасида 70 га яқин маҳбуслар ҳалок бўлди.

## ПОЙТАХТНИНГ ДАР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА

• **БУГУН** «Ўзбекқозғоғи» ақтидорлик жамиятида «Жинойатчилик ҳолатларининг олдини олишда маҳалла ва қорхонанинг роли» мавзуда йиғилиш бўлиб ўтди.

• **ЮНУСОБОД** тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан «Ал-Азиз» қаҳвахонасида бутун умрини эл-юрт хизматида бағишлаган ўзининг 100 ёшини қарши олаётган Тоҳир ота Қурбоннинг юбилейи кенг нишонланди.

• **ТОШКЕНТ** Ислом университетида бўлиб ўтган тадбир Қуръонни Карим маъноларининг таржимаси ва танланган ҳадисларнинг электрон китобига бағишланди.

• **МАННОН** Уйғур номли Тошкент санъат институтида «Гиевандлик аср вабоси» мавзуда тадбир ҳамда ажал оғусининг салбий оқибатлари ҳақида хикоя қилувчи ҳужжатли фильм талабаларга намойиш этилди.

• **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**Маъин**

**ДАРСЛИК-КЎЛЛАНМА**

«Ўқитувчи» нашриёти «Немис тилини ҳавас билан ўрганинг» деб номланган кўлланмани чоп этди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида босмага тайёрланган бу ўқув адабиёти чет тилини ўргатиш асосини ташкил этувчи дарс машғулоти намуналари мисолида ёзилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Янги дарслик Германия иқтисодиёти, фан ва маданиятига оид маълумотларга ҳам бой. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг тарихи, қадимий шаҳарлари, ўзбек халқининг миллий урф-одатларини ифода этувчи матнлар ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Дарслик муаллифи Башорат Зардинова академик лицей ўқитувчиси сифатида Германияда ўз педагогик малакасини ошириб қайтди. Шу сабабли немис тилида чоп этилган «Ўқувчилар китоби»га асосланиб иш тутди.

**ИНСТИТУТНИНГ БОЙ ХАЗИНАСИ**

Ўрта осийлик йирик аллома-лар асарларининг кўлёзма нусхаларини ўрганишда шарқшунос олимлар самарали ишланмоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида сақланаётган бундай ноёб китоблардан бири Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий Ас саҳих» асари ҳисобланади.

Ўзбекчасига «Ишончли тўплам» деб номланган бу кўлёманинг турли даврларда кўчирилган нусхаларини илмий асосда ўрганиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Комиллик илмининг асосчиларидан бири саналган Абу Мансур ал-Мотирудийнинг бизгача етиб келган асарларининг биттадан нусхаси ҳам институт мулкига айланган.

Бу каби кўлёзма нусхалар ҳақидаги маълумотлар «Бебаҳо хазина» китобида батафсил баён қилинди. Шунингдек, олимлар институт хазинасидаги қадимий кўлёзма китоблар бўйича каталог тузишга киришдилар.

**ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА**

ТАСИС-ТЕМПУС ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган «Шаҳарлараро-умумхалқ мулки ва унинг ривожланишини кўллаб-қувватлаш» лойиҳасида жаҳондаги талайгина олий ўқув юрталари қатнашмоқдалар. Бу халқаро нуфузли лойиҳани амалга оширишда мамлакатимиз меймор олим ва муҳандислари ҳам иштирок этиш истагини билдирдилар.

Тошкент архитектура-курулиш институти илмий жамоаси шу лойиҳа доирасида тадқиқот ишларини олиб бориш тараддудини кўрмоқда. Шу мақсадда олий ўқув юрти ректори, профессор Бахтиёр Аскарлов Бельгияда бўлиб қайтди.

— Сафар чоғида, — дейди ректор, — бизнинг бу таклиф кўллаб-қувватланди. Шунингдек, ҳужжатлар имзоланди.

Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари Бельгиядаги мутахассис олимлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдилар.

Анвар АЛИБОВ



**• КЎРГАЗМАЛАР**

**САНЪАТ ЖИЛОЛАРИ**

**Натюрморт — жонсиз табиат демакдир. Рангта-свир турларидан бири бўлиб, буюмлар, мева-чева, гул ва ҳоказоларни ифодаловчи тасвир маъносини англа-тади.**

Ўзбекистон Бадий Академияси марказий кўرғазмалар залида мусаввирларимизнинг натюрморт асарлари намойиш этилаётир. Кўрғазмада табиатдан, халқ турмушидан олиб тасвирланган уч юзга яқин натюрморт асарлар ўрин олган бўлиб, санъат муҳлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бизда табиат ёки ҳаётнинг тўкин-сочинлик дастурхони деса ҳам бўлаверади. Қадимги миниатюра санъатимизда ҳам натюрморт учраб турган. Аралашма жанрларда ҳам кўриниб туради. Натюрморт тасвирий санъатнинг ҳамма тур ва жанрларида иштирок этиб, барчага завқ улашаверади. Алоҳида тасвирлансагина «на-

тюрморт» номини олади.

Республикаимизда натюрморт санъати билан банд бўлмаган rassomнинг ўзи йўқ. Истеъдодли мусаввирларимиз Ҳикмат Раҳмонов, Самиг Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Ҳаким Ортиқов, тарихий мавзуларда асарлар яратувчи Малик Набиев ва бошқалар ижодида натюрморт санъатини турли кўринишларда кўриб завқ олганмиш. Бу санъат шукроналикдан дарак беради.

Деярли ҳамма натюрморт асарларида ҳаёт ва табиат гўзалликлари куйланган. Қайси мусаввирдан сўрасангиз, «Дам олаётган кезларимда натюрморт чизаман», дейиша-

ди.

Бу гоёвий мазмунларга эга бўлган катта асар ёки портрет эмас. Енгил ижод ҳам дейиш мумкин. Натюрморт санъатида эркинлик, реал ҳаёт ҳақиқати, қадрияти борлигини англамоқ керак. Бу санъатда табиат манзаралари, халқ фаровонлиги, тарихий ҳақиқатни кўриш мумкин. Ҳаёт қувончидан нур ва орузида соялар кўриниши, ёрқин ранглар, ёруғликларнинг соялар устида голибона харақати ва рақсларини бе-малол кўриш ҳам мумкин. Натюрмортда нафақат нафосат, балки показалик, софлик ва ростгўйлик бор. Шунинг учун ҳам «Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг изоҳли луғати» китобида: «Натюрморт-инсон атрофини ўраб турган реал муҳитдаги нарсаларни тасвирловчи тасвирий санъат жанрларидан бири», — деб ҳам жуда тўғри айтилган. Кўрғазмадаги асарларни

томоша қиларканмиз У. Болтабоевнинг «Эски самовар», «Санъат натюрморти», «Эски буюмлар», Ж.Халиловнинг «Оддий натюрморт», Л. Жабборованинг «Натюрморт», Тўлқин Зокиров, Фарход Сулаймонов, Фарход Юсупов, Фаррух Аҳмадалиев, Анвар Бахтиев, Обиджон Бакиров ва бошқаларнинг натюрморт асарларида қадимий маданиятимиз, халқ мероси аънаъалари, миллий қадриятларимиз ибратли, ноёблиги тарғиб қилинган. Табиат гўзалликлари, тўкин-сочинликлар кўз-кўз этиладики, бу тасвирлар инсон руҳиятини кўтариб юборади. Турли хил ғамгинлик, ҳасрат-надомат, дард-аламлардан фориг этади.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**  
санъатшунос.

**СУРАТЛАРДА: натюрморт асарлари кўрғазмасидан лавҳалар.**

**Сергей Любич олган суратлар.**

*Кекса юрак навҳлари*

**БЎЛҒУСИДИР**

Яхшининг душмани кўп анга жафо бўлғусидир  
 Раҳмон ғолиблар бугун, эмди сафо бўлғусидир.  
 Мени бу айтган сўзим балким бажо бўлғусидир.  
 Ишқ аҳли боғига кирдим расо бўлғусидир,  
 Ким ёмон ниятдадир кўздан пано бўлғусидир.  
 Қатра-қатра ёзганим дил томчисидан кўл эрур,  
 Яхшиларни орзу қилдим орзуларим мўл эрур.  
 Жон дилим шеър, ғазал ҳар сатридайн гул эрур,  
 Куйга солиб айтса хофиз хониши бул бул эрур,  
 Яхшилик кўзимга нур кую наво бўлғу сидир.  
 Гул юзингни шўъласига эл жаҳон ошқу сенга,  
 Шоиринг таъриф этиб ишқинг билан машўқ сенга,  
 Ул сенинг ғамсанг кўриб бўлсам-ку дегр лойиқ сенга,  
 Раҳм қилгин дилбарим, ҳатто бу жон боғлиқ санга,  
 Хушсухан бўлган кишидан эл ризо бўлғусидир.  
 Мен рақам этдим, Расулий, ул эгам билгайму деб,  
 Зикр этиб нола қилурман нолишим тингламу деб,  
 Билмадим ул қодир Оллоҳ айбим кечиргайму деб,  
 Шеърят боғини кездим бир назар қилгайму деб,  
 Ким ёмон йўлга қадам қўйса расво бўлғусидир.

**ИСТАМА**

Истам а эй дил жафо қилган кишидан сен вафо,  
 Сенга ул ҳеч фойда бермас қилмиши жабру жафо.  
 Оч дилингни ким ҳаёт дарёсидан тер дуру зар,  
 Қайси бир одам кўролмас бўлса бўл ундан жудо.  
 Биз учун оллоҳ яратди еру кўк, обу ҳаво,  
 Сен бировдан яхшилиқ кўрсанг унга қил жон фидо.  
 Муддати умрингда сен тинчлик фаро вон истасанг,  
 Бир фақир кўрсанг холин сўр эт дилингни рўшно.  
 Жохил одамдан таъма қилма мурувват истама,  
 Бағри тошдан кўрмагай ким хастадил ҳаргиз шифо.  
 Яхшилар йўлига ғов бўлган киши одам эмас,  
 Иста доимо ўзингга бир ширин сўз дилкушо.  
 Ёр ишки бирла бўлгил гарчи жавлон айладинг,  
 Эй Расулий, яхшилиқ роҳида бўл ибратнамо.  
**Султон РАСУЛИЙ**

**Ҳамкорлик ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ**

Шу кунларда шаҳримизда Япония маданияти кунлари, шунингдек, Япония кинолари фестивали давом этмоқда. Ушбу тадбирнинг очилиш маросими пойтахтимиздаги Киночилар уйида бўлиб ўтди.

Япония маданияти кунларининг очилиш маросимидан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирини Баҳром Қурбонов жумладан, шундай деди: «Япония маданияти кунлари 1999 йилдан бошлаб, ҳар йили юртимизда ўтказиб келинмоқда. Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида япониялик гуруҳлар мунтазам қатнашилади. Инчунин, кўнчиқар мамлакат халқи ҳам бизнинг маданиятимиз, урф-одатларимиз ҳамда тарихимиз билан жуда қизиқишади. Ўзбекистон ва Япония мамлакатларини бир-бири билан нафақат ижтимоий-маданий алоқалар, балки маънавий, маърифий урф-одатлар, маросимлар ҳам боғлаб туради. Улғу алломаларимизнинг ижод намуналарини айнққса, япон ёшлари чуқур ўрганишади».

«Осаканинг тарихи» деб номланган кино фильм билан бошланган кино фестивал давомида «Астро-бой», «Урмон афсонаси», «Уғлонлар», «Ағано дарёсидаги ҳаёт» ва бошқа фильмлар намойиш этилди.  
**Юлдуз УСМОН**

# 1 ОКТАБРЬ — ҲИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЛАР КУНИ

Бу пайтга келиб Эргашжонда нақшоликка нисбатан катта қизиқиш ва меҳр уйғонган. Шу сабабли илк устози Баҳром Илҳомовнинг тавсиясига бйноан Лабзак даҳасидаги ўқувчилар саройининг ёғоч ўймакорлиги ва расмчилик тўғрисидаги қатнаша бошлади.

Миллий хунармандчилигининг энг жозибали турларидан бири — ёғоч ўймакорлиги астойдил меҳр қўйган Эргаш Алиев тўғрисида олти йил давомида касб сирларини ўрганди. 1967 йили эса П.Беньков номидаги республика билим юртининг ёғоч ўймакорлиги бўлимига ўқишга киради. Ушбу ўқув даргоҳида яна бир устози Ўзбекистон халқ устаси, академик Ортик Фатхуллаевдан кўп нарсаларни ўрганди.

Интилганга — толе ёр дейдилар. Эргашжоннинг изланишлари, касб сирларини пухта ўзлаштириши зое кетмади. 1967 йили ёғоч ўймакорлиги бўйича кўрғазмада илк бор қатнашиб, голиблар сифини бошқарди.

Сўнг Э.Алиев 1972-1978 йилларда Тошкент театр-рассомчилик институтининг бадиий графика бўлимида ўқиб ўз билимларини янада мустаҳкамлади. Меҳрибон ва захматқаш устозларига катта меҳр қўйганлиги сабабли Эргаш ақанинг ўзи ҳам 1985 йилдан то ҳозирга қадар қўшимча таълим мажмуасида ёғоч ўймакорлиги тўғрисидаги раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Ёғоч ўймакорлигида ҳар бир вилоятнинг ўзига хос мактаби бор, — дейди Эргаш Алиев биз билан суҳбатда. — Уларнинг ўз йўналиши бўлиб, нақшларни чиқишда бир-биридан ажралиб туради. Чунончи, ўтган аср ўрталарида Хоразм мактаби кучли эди. Сўнг Қўқон мактаби ривожланиб кетди. 1975 йилдан бошлаб ҳозирга қадар Тошкент мактаби ва услуби энг илгор саналади. Менга ҳам Тошкент мактаби ва услубида ишлаш ёқадди.

Ҳозирда мен шахримиз мактабларига бориб ўқувчиларни ёғоч ўймакорлиги тўғрисидаги боришлари, миллий хунармандчиликнинг ушбу турини эгаллашларига тарғиб қиляман...

Ха, ўтган йиллар давомида Эргаш ақанинг қўлида таълим олган шогирдларнинг кўпчилиги бугунги кунда му-

— Қадимда бир кишининг беш ўгли бўлган экан. У ўғилларига бир дондан чўпни бериб «Синдириллар» депти. Ўғиллар чўпни осонликча синдирибдилар. Сўнг халиги киши ўғилларининг ҳар бирига бир боғламдан чўп узатиб «Буни ҳам синдириллар», дебди. Ўғиллар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, чўпларни синдирибмабдилар. Шунда ота «Кўрдиларининг ўғилларим, яқка кишини енгис ҳосон, кўпчилик бўлсанлар, сизларни ҳеч бир кўч енголмайди!» деган экан...

Шундан сўнг ўқитувчи доскага йирик харфлар билан «Аҳиллик нима?» деб ёзди. Бу ҳақда батафсил сўзлаб бўлгач, ўқувчилари бирма-бир саволга тутди. Дарс мазмунига оид воқеалар, мақол ва маталларни ўртага ташлади. Болалар ҳам бу ҳусусда биланларини гапириб беришди. Бу дарс қирқ чоғли ўқувчининг хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолиши аниқ...

Ҳар бир дарсни ривоят ё эртак билан бошлаш Дилбар Усмоновнинг одатига айлиб қолган. «Ўқувчида яқши кайфият ҳосил қилишда бунинг аҳамияти катта», — дейди у. Шайхонтоҳур туманидаги 67-мактабга ишга келибдики, ҳаёти изланишу машаққатлар оралигида кечди. Ахир, ўттиз беш йил озмулча вақтни?! Бу йиллар давомида Дилбар опа бошланғич синф болаларини билан ишлашди, уларнинг кўнглига йўл топишни ўрганди.

— Бола илк тарбияни оиладан, сўнгра ўзи яшаётган маҳалладан олади, — дейди у. — Шундай экан, педагог авва-

раббийлар қаторига кириб, ўзлари ҳам ёш техниклар марказларида касб сирларини ўсириларга ўргатмоқдалар. Жумладан, Э.Алиев шогирдларидан 9 нафари шахримиз туманларидаги ёш техниклар марказларида сабоқ бераётган бўлса, учта шогирди «Устазода» фирмасида фаолият кўрсатмоқда. Ундан ортик тарбияланувчилари эса коллеж ва институтларда ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Бизнингча, устозлар учун шогирдлар камолини кўришдан ортик бахт бўлмас керак. Эргаш ақанинг қўшимча таълим мажмуасида етиштирган шогирдлари иқтидорли

ўқувчилар анжуманида иштираётган этиб, олти йил давомида биринчи ўринни эгаллашди. Устанинг ўзи эса 2000 йили туманлараро «Ташаббус — 2000» танловида қатнашиб, иккинчи ўриннинг соҳиби бўлди.

Меҳрибон устоз Эргаш Алиевнинг ўзбек миллий хунармандчилигини ривожлантириш, иқтидорли шогирдларни тайёрлаш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У 1993 йили Ўзбекистон бадиий

ижодкорлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 1996 йили «Халқ таълими фидойиси» нишонин билан, 2001 йилда эса «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Эргаш Алиевнинг келгусига мўлжалланган режалари ҳам бисёр. Чунончи, «Ташаббус» танловида яна иштирок этиш нияти бор. Асрлар оша ота-боболаримиздан ёш авлодга ўтиб келаётган ёғоч ўймакорлиги хунарини хориж давлатларига олиб чиқиш, у ердаги ёшларга сабоқ бериш, миллий хунармандчилигимиз дўроғини жаҳонга ёйиш орузида. Биз ҳам Эргаш акага «Эзгу орузларингизга етинг, меҳрибон устоз», дея тилак билдираимиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**  
**СУРАТДА: устоз Эргаш Алиев шогирдлари Фарҳод Абдусаломов (чапда) ва Жаҳоҳир Алиевга касб сирларини ўргатмоқда.**

ло ота-она ва маҳалла билан ҳамкорликда иш юритса, яқши аҳамияти борлигини билади, шунинг учун ҳам маҳаллама маҳалла юриб, ота-оналар, кексалар билан суҳбатлашади, халқ тилидаги ҳикматлар, хадислар билан қизиқсади.

— Мен болалардан тез-тез «Сен маҳаллангидеги ҳақарга қатнашингни? Дарахт экишда бобомнинг кўмагида ишлагинми? Маҳаллангнинг номидеги? У жойдан қандай зий-диллар етишиб чиққан? Маҳаллада нечта қария бор, уларга ёрдам бера-сизларми?» деб сўрайман. Кейин шу мавзуларда қизиқарли суҳбат кўраимиз, — дейди Дилбар опа. — Хатто болалар маҳалла-

да нечта ўртоғи борлигини, улар билан қай масалада тортишиб қолганини ва қандай ярашганини ҳам ишчириб ўтиришмайди. Шунда мен яна аҳиллик ҳақида сўз юритаман. Маҳаллада ахилу иноқ болалар қўп бўлса, шу ерда осойиш-


## ФАН БОҒИНИНГ БОҒБОНИСИЗ

**Меҳр нури ёғар доим Юзингиздан устозлар, Юрсам дейман бу табаррук Изингиздан устозлар.**

**Хар гал шу қўшиқни тинглаганим, азиз ь кадрдон мактабим, меҳрибон устозларим кўз ўнгимда бирма-бир намоён бўлишди. Йиллар ўтди, лекин ўтаверар экан. Кечагина мактаб остонасига ҳаяжон билан қадам қўйгандик. Мана, орадан ўттиз йил вақт ўтибди. Ҳамон кадрли устозларимни хар байрам кунда эслаб, табриклаш учун кўнгирик қиламан. Уларни соғинч билан эслаб, узоқ суҳбатлашаман.**

Мақтаб ҳовлисида синфдошлар билан қувнаб ўйнаган, бирга дарс тайёрлаган онларимиз, гоҳида дарсга кеч келиб ўқитувчилардан танбех эшитган кўнларимиз албатта ёдга тушади. Бу кўнларни соғинч билан эслаймиз. Қалбимизга йўл топиб, биз билан ўртоқлашган, ёрдими ва маслаҳатини аямаган захматқаш, меҳрибон устозларимизни унутиб бўладими?!

Бугун ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасида сиз азиз устозларни яна ёдга олгим келди. Мен ўқиб таълим олган Акмал Икромов туманидаги Ойдин Собирова номли 106-ўрта мактабда жуда кўп қалби дарё, захматқаш ва ғамхўр ўқитувчилар сабоқ беришган. Кўтбиддин Илёмов (марҳум), Собир Умаров, Рахи-



**Дунёда устоздан улуг зот йўқ. Инсон гўзал хелатлар, яқши фазилатлар, нурдек покиза умид-ниятлар билан комилликка интилиб яшайди. Хар бир инсоннинг ҳаётида унга таълим-тарбия, билим берган, хунар ўргатган устоzi, мураббийси бўлади.**

## МУРАББИЛАРИМГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ

Мамакатимизда ҳозирги кунда кўплаб мутахассисларни тайёрлайдиган олий ўқув юртилари мавжуд. Уларнинг ичиде Тошкент Давлат юридик институтининг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Бу ерда малакали, ўз касбининг устаси бўлган профессор-олимулму, ўқитувчилар талабаларга сабоқ беришади. Ҳуқуқий тушунчалар, билимларни ўрганишда янги-янги маълумотлардан фойдаланган ҳолда талабаларга таълим бермоқдалар.

Келажакда мен ҳам устозларим сингари оқиб ҳуқуқшунос бўлиб, Ватанимга, отангизга хизмат қилиш ниятидаман. Халқимизда «Устоз отангиз улуг» деган нақл нежиз айтилмаган. Шу ўринда бир ривоятни келтирмоқчиман. «Бир кун буюк аллома Мирзо Улуғбекдан «Сиз нима учун сивбатдан кўра илмга кўпроқ қизиқасиз?!» деб сўраганларида, у шундай жавоб берган экан: «Мен илмнинг қудратини бобомдан билдим. Бир сафар бобомнинг тиззасида ўтирган эдим. Баноғох хузури муборакка бир киши кирди. Бобом шошиб

**Муносиҳон АХРОРОВА,**  
**Тошкент Давлат юридик институтининг 1-курс талабаси.**

талиб бўлади, дейман уларга. Хуллас, бундай суҳбатларимиз болаларнинг тушунчаларини қайта шакллантириш, уларни ён-атрофдагилар билан дўстона муносабатда бўлишга ўргатади.

— Дилбар опа саъй-ҳаракатлари туфайли биз «Ўқи» маҳалласи фаоллари билан яқши алоқа ўрнатганимиз, — дейди мактаб директори Абдурашул Абдуқодиров. — Маҳалла фаолларининг иштирокида ўтказилаётган тадбирлар бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга ундайди, кўнглига ёруғлик солади, тасаввурини кенгайтиради. Демократик жамиятда тарбияланаётган ҳар бир бола мустақил фикр эгаси бўлиши керак.

Мақтаб ва маҳалла ҳамкорлигининг яқши жиҳатлари кўп. Кун бўйи бекор юриш, чекиш ёки гиёванд моддаларга ружу қўйиш, кўнглига келган ишни амалга ошириш сингари зарарли иллатларнинг олдини олишда маҳалла тарбиясининг аҳамияти катта. Ахир фарзандлари тарбиясини буткул мактаб зиммасига ташлаб қўйган ота-оналар ҳам бор. Бундай вақтда маҳалла аҳлининг кўмаги жуда-жуда зарур бўлади. Бу нарсани тажрибали педагог Дилбар Усмонова теран аёнлайди. Шунинг учун ҳам у доимо изланишда. Ота-оналар ҳам, маҳалла аҳли ҳам ундан миннатдор. «Болаларни мард ва жасур, иродали қилиб тарбиялаш йўлида хар бир имкониятдан фойдаланаман», — дейди тажрибали педагог.

**Гулчехра ЖАМИЛОВА**

## Жажигина болажонларнинг илк бор қадам босган кадрдон маскани бўлган боғча, меҳрибон мураббийлари уларнинг ёдидан бир умр ўчмас керак. Мурғак қалбларга меҳр кўрсатиб, уларнинг жажжи қўлчаларидан тутиб бағрига олган ширинсўз, меҳрибон боғча мураббийлари ҳақида ҳам хар қанча фахрланиб гапириш мумкин.



## КИЧКИНТОЙЛАРГА МЕХР УЛАШИШ


Юнусобод туманида жойлашган «Кўёш» номли 301-махсус болалар боғчаси 1964 йилдан буён фаолият кўрсатиб, жуда кўплаб кичкинтойларга таълим-тарбия бериб, мактаб томон учирма қилган. Энг яқши томони, боғча маҳалла ичиде жойлашган бўлиб, ёта-оналар ва болалар учун ҳам жуда қулайдир. Ҳозирда боғчада олтига гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда ҳаммаси бўлиб 120 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Иккита гуруҳ эса нутқида нуқсонли бўлган болалар учун мўлжалланган.

— Болалар — бизнинг келажакимиз. Уларни ёшлиқдан соғлом ва бақувват, тарбияли бўлиб воёга етишларида аввало ота-оналар ва боғча мураб-



билларининг ҳиссалари катта бўлади, деб уйлайман, — дейди боғча мудираси Дилдора Мухамедова. — Шу мақсадда боғчада «Соғлом авлод учун» Давлат

**Гулором ХАМИДОВА**  
**СУРАТЛАРДА: «Кўёш» номли 301-махсус болалар боғчаси ҳаётидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.**



да тўғарақлари мавжуд бўлиб, болалар ушбу тўғарақларга катта қизиқиш билан қатнашадилар. Шу билан бирга боғчада саводхонлик мактаби ҳам очилган. Унда болаларни мактабга тайёрлайди.

Бу йил бўлиб ўтган ўқитувчи ва мураббийларнинг август Кенгашига «Мактабга таълим ёшидаги болалар билан олиб бориладиган соғломлаштирувчи тарбиявий ишнинг нозанавий услублари» бўйича 301-боғча иш тажрибаси асосидаги китобчани тақдим этдик. Боғчада хар бир байрам тадбирлари чинқитирадилар. Яна боғчада фитобар ташкил қилинган. Бу ерда доривор ўсимликлар дамламасидан болалар хар кун истеъмол қилишади. Булардан ташқари кичкинтойларда ёшлиқдан бирор соғага қизиқиш уйғотиш мақсадида боғчада шахмат-шашка, гимнастика, футбол, инглиз тили, мусика, рақс, дра-

Тошкент шаҳар ҳокимияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

**"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида "Дилимдасан-пойтахтим" энг яхши эстрада қўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади**

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент", газеталарида.

**Кўрик-танлов шартлари:**

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;  
Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;  
Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;  
Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (минидиск, CD) ёзилиши керак.  
Таклифлар 1 октябрга қабул қилинади.

*Энг яхши кўшиқ, эътиборли ҳаққатлар ва радионизишлар томонидан аниқланади.*

www.tashkentkamolot.uz  
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14  
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

**Севимли ШАҲРИМ**

Республика Фанлар академиясида жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" маркази ва Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда "Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусида семинар ўтказилди.

## ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Тўртинчи маротаба ўтказилаётган семинарда жамоатчилик фикрини ўрганувчи олимлар, мутахассислар жамиятимиздаги ижтимоий фикрни ўрганиш ва шакллантириш муаммоларини ечишда янги ёндошиш йўллари муҳокама қилишди. Мутахассисларнинг эътирофи эътишча, ошкоралик, жамиятда изоҳотларни изчиллик билан олиб бориши, ахборот соҳаларининг жадал ривожланиши, ОАВлар эркинлигини таъминлаш фуқаролик жамиятининг асосий негизи ҳисобланади. Аввал ўтказилган семинарлар жамиятда ва мутахассислар ўртасида катта қизиқишлар уйғотди. Бу эса семинарда муҳокама қилинган таклиф ва тавсияларни тезроқ ҳаётга татбиқ этишга имкон беради.

Семинарда "ОАВлар ижтимоий фикрни шакллантиришнинг асосий механизми" мавзуси кўрилган бўлиб, бу бевосита аввалги йиғилишларда муҳокама қилинган вазифаларнинг давомидир. Республикада ўтказилган "ОАВ ижтимоий фикр нигоҳида" мавзусидаги ижтимоий тадқиқот натижалари семинар муҳокамасининг асоси бўлди. Сўралган респондентларнинг аксарияти республика ҳаётига оид ва жаҳонда содир бўлаётган воқеаларни 93,3 фоизини давлат телеканали орқали, 22,4 фоизини радио орқали, 35,9 фоизини эса матбуот орқали билишаркан.

Тадбирда сўзга чиққан соҳа мутахассислари ва олимлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуришда, фуқароларнинг ижтимоий фикрини намоён қилишда ва шакллантирувида ОАВларнинг ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият"га айланишига ишонч билдиришди.

"Туркистон-пресс"

### КРЕМЛДАГИ ФАЙРИОДДИЙ КОНЦЕРТ

Москвадаги Кремль саҳнаси ҳамма мусиқачилар учун ҳам ўз эшикларини очармайди. Аммо В.Успенский номидаги мусиқа академик лицейи олтинчи синф ўқувчиси Тамила Салимжонов вага бу борада омад кулиб бокди - у хориждаги илк сафариди Москва Кремлининг «Оружейная палата»сида концерт бериш бахтига муяссар бўлди.

Жаҳоннинг энг машҳур музейларидан бирида ўтган концерт Владимир Спиваков халқаро хайрия фонди томонидан ташкил қилинди ва унга Ўзбекистон, Украина, Грузия каби мамлакатлардан ёш мусиқачилар таклиф этилди. Тамила Салимжоннова эса Москвадаги концертга қўшимча тарзда Россия халқ артисти, кўплаб халқаро кўриklar совриндори ва А.Чайковский номидаги халқаро кўрик хайъати раиси, профессор Владимир Крайневдан пианино сабоқларини олишга ҳам муяссар бўлди.

— Тамила сафардан катта таассурот олди, — деди қизи билан Москвага ташриф буюрган Нигора Суннатова. — Тарих ва гўзалликни ўзида муҷассамлаштирган бу аjoyиб саҳнада ўз санъатини ижро этиш барча мусиқачилар, айниқса қизим каби бошловчилар учун катта шараф.

Москвада Тамила учун қўшимча маданий дастур ҳам ташкил қилинди. Салимжоновалар оиласи россиялик машҳур ижрочи Тигран Алиханов ва Александр Мндонянц концертларида бўлиб, Москва музейлари ва Россия пойтахтидаги тарихий-маданий ёдгорликлари билан танишишди.

Олег Шатуновский,  
«Жаҳон» АА мухбири,  
Москва.

### ТАДБИРЛАР

#### СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланиши устозлар, ўқитувчи ва мураббийларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Айни кунларда мамлакатимизда ёш авлод онгига зиё нурини таратиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар байрами ҳамма жойда қизгин нишонланмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек санъат касбхона колледжиди ҳам кунини кеча бўлиб ўтган байрам тадбири «Сизга таъзим, Сизга эҳтиром!» деб номланди. Ушбу шодиёна кунда ўқувчилар ҳечасидан нур ёғилиб турган меҳрибон ва жонқуяр устозларини гулдасталар билан қутлашди. Шундан сўнг саҳнада устозлар ва ўқитувчиларни мадҳ этувчи шеърлар ўқиб, дилрабо кўшиқлар куйладилар. Шунингдек, аjoyиб ҳангома ва аскиялар ижро этиб йиғилганлар қалбига бир олам завқ ва шодлик улаштирди.

Тадбир сўнггида аълочи ўқувчиларга Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Фахрий ёрликлар топшириди. Байрамона руҳда ўтган тадбир ўқувчилар ёдида унутилмас кун бўлиб қолди.

Азамат ШОКИРОВ

### ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

#### БАХТНИНГ ЎЗИ НИМА?

Ахрор ака исмли киши ёши улуг ва билимли Абдурасул аканинг ҳузурига келиб: Тақсир! Сиз билан суҳбатлашганимда кўп масалаларни яхши тушуниб ҳузур қиламан. Бугун яна бир масала бўйича жавоб олиш учун келдим. Танишим Ўрмонбекнинг ўлим тўшагида ётганлигини эшитиб борганимда менга шундай деди: «Сиз яхши биласизки, бугун умрим бўйи машаққатли меҳнат билан шуғулланиб, роҳат нималигини билмадим. Эндигина фарзандларим воёга этиб «Кўлим ошга етганда» жон бериш арафасида ётибман. Айтингчи, яна 5-10 йил яшасам бу катта дунёга сизгмас эдимми? Бевақт ўлишим адолатданми?» — дея савол берди.

Мен бу саволга тегишли жавобни бера олмай: «Худо хоҳласа тузалиб, яхши кунларни кўрасиз», дейиш билан чегараландим. Шу саволга жавобни ўзингиздан эшитсак, — дебди.

— Ахроржон! Аввало бахтнинг ўзи нималигини яхши тушуниш ва тасаввур қилиш лозимдир, — дея сўз бошлади Абдурасул ака. — Унинг замирида биринчи навбатда одамларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббати, хурмати ва изъати, аҳиллиги ва муруватлиги ётади. У камбағаллик ёки бойликка қарамай юзга келади. Айрим мисолларга диққатингизни жалб қиламан. Менинг маҳалламда оддий кун кўраётган ота-оналар ва уларнинг фарзандлари истикомат қилишади. Уларнинг тарбияси ва аҳиллиги шу даражада яхшики, кишининг ҳавасини келтиради. Ҳатто қизларини бойваччалар келинликка олдилар. Уларнинг ўғилларидан бири яхшиликдан катта савдогарнинг кизига уйланди. Мақтовга сазовор кишиларни бойларнинг орасида ҳам учратиш мумкин. Айтингчи, шу тарзда ҳаёт гаштини суриш катта бахт эмасми?

Ҳеч кимга сир эмаски, камбағалларнинг ҳам, бойларнинг ҳам орасида одоб-ахлоқ паст кишилар бор. Маҳалламиздаги кам таъминланган, Тўғонжоннинг икки ўғли дангаса ва урушқоқ. Йирик савдо-

гар Алихўжабекнинг ёлғиз ўғли эса «қора» дори еб бойликни соғурмоқда.

Улар ота-оналарининг бошига кўп кулфатларни солиб, соғликларини емирмоқда. Бундай бахтсизликни ҳеч кимнинг бошига солмасин.

Биламизки, бойлик бахтни юзга келтирувчи омиллардан бирдир. У яхши овқатланиш, кийиниш ва орзу-ҳавасларни рўёбга чиқариш имконини беради. Аммо бойликни қўлга киритиш одамларнинг ўзларига боғлиқдир. Ҳар ким ақлидрок ва билимдонлик билан иш юритса, одоб-ахлоқ соҳиб бўлса, бойлик кетиши мумкин. Масалан, қийналган онанинг отадан етим қолган Жўрабек исмли ўғли бойлик халққа масжид қурдириб берди. Ота-онадан айрилиб етимлик ва қашшоқликда ўсган дўстим Баҳодирхон ҳокимликда масъул лавозимда хизмат қилмоқда. Бироқ шундай кишилар борки, ишлашни хоҳламай Аллоҳдан бойлик ва бахтни сўраб илтижо қила берадилар. Гўё шундай кимсалар бойлик кетамиз деб ўйлашади. Маҳаллаларда мана шундай «олма пиш, оғзимга туш», деб ҳаёт кеңираётган кишилар ҳам бор. Улар аслида дангаса ва тепса тебранмас кишилардир.

Аллоҳ «Сендан ҳаракат, мендан барака» деганини унутмаслик керак. Шунингдек ҳазрат Накшбандийнинг «Кўнглинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин»

қабилдаги ҳикматини доимо назарда тутиш лозим.

Сизнинг танишгингиз Ўрмонбекка келганда, шуни айтиш лозимки, ҳақиқатан ҳам унинг бутун умри меҳнатда ўтди. Бироқ ҳасис бўлганлиги учун мол-дунёни йиғишга берилиб ўзини парвариш қилмади. Одамларга қўшилиб улфатчилик гаштини суриш ва дўст орттириб кўнгли ёзишни ҳаёлига келтирмади. У харажатдан қочиб нафақат ўзи, балки хотини ва фарзандларига ҳам роҳат бахш этмади. Жамоада яққаланиб ва бурчакка сиқилиб одамларнинг назари ва хурматидан четда қолди.

Бу жуда ачинарли ҳолатдир. Чунки киши бу ўткинчи дунёга бир маротаба келсаю, лекин бахтли кунларнинг шарбатини ичмаса бахтсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Ҳар бир киши ўзининг шароити ва ҳолига яраша тириклиги ва саломатлиги вақтида ўзини парвариш қилиши, қулиб-яшнаши, тўй ва чойхоналарда яйраб ўтириши, меҳмондўст бўлиши ўта фойдалидир. Шундангина чарчаш, зероки, диққатлик ва жиғибийронлик сингари даргда чалитирувчи иллатлар баргараф этилади. Натijaдаги кишининг қуввати ва кайфияти яхшиланиб, хушмуомалали, шоду-хуррам ва меҳнати самарали бўлиб бошқа бахт кўши қўнади.

Умумий ҳулоса шуки, бахт ҳар бир одамнинг ақл-идроки, одоб-ахлоқи, гайрати ва меҳнатига монанд равишда юзга келади. Бахтни қўлга киритишга нисбатан уни ушлаб туриш қийин. Бордию катта гапириш ва жаҳолатга берилиб, дилзорлик қилина, душман орттирилади. Ўзаро чиқшмовчилик ва кураш бахтсизликни келтиради. Бундай нохуш ҳодисаларнинг бир неча маротаба гувоҳи бўлганман.

— Тақсир! Катта раҳмат, Сизнинг бахт ҳақидаги фикрларингиз барча одамларга сабоқ бўлишига ишончм комил.  
Ҳамид ЗИЁЕВ.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб домо бўлур...**

- Саломатлик — инсон ҳаётининг ҳамма даражаларида нормал таракқиётнинг гаровидир.
- Инсон ўз бошидан болалик, ёшлик, балоғат ва қариллик даврларини ўтказиши. Унинг ҳар томонлама — руҳий ва жисмоний ҳаётдан юксалиши тани сиҳатликка боғлиқдир. Бу одамнинг наслига ва турилгандан бошлаб кечирган ҳаёт тарзига ҳам бориб тақалади.
- Чинқиш — тақриб муҳитнинг зарарли таасирот омилига нисбатан организмнинг қаршилик қувватини оширишга ёрдам беради.
- Чинқиш асосида организм суви, қуёш, ҳаво таъсирига аста-секин моллаштири бориш механизми ётади.
- Ёшлик даврида бошланган чинқиштириш машғулотлари айниқса фойдалидир. Болаларни соғлиқни мустаҳкамлаш режимида ўргатиш зарур. Бадан-тарбия, очик, тоза ҳавода сайр қилиш, спорт ўйинлари каби чинқиштириш машғулотлар билан шуғулланиш — булар ҳаммаси узоқ умр ва саломатликни таъминловчи омиллардир.

Атоқли физиолог Рубнер кўп йиллик тажрибаларидан сўнг ана шундай хулосага келган. Тамаки таркибидagi никотин моддаси сиҳат-саломатликка жиддий зарар келтирувчи кушандалардан бири саналади. Кашандалар чекиш энергияни кўзғатиб, асаб системасини тинчлантиради деб ўларини оқлайди. Ваҳоланки, бу чукор адашиш бўлиб, тамакиннинг зарарли таъсири бирдан юзага чиқмай, секин-секин илдири отиб боради. Никотин айниқса асабни жиддий жароҳатлайди. Аввал уни кўзғатиб, кейин марказий асаб системаси фаолиятига таъсир этади. Асаб ҳужайраларининг толиқини, яъни ҳолдан кетишини келтириб чиқаради. Бундан ташқари бош мия томиларини ишдан чиқариб, миянинг қон билан таъминлаши ва озиқлаштириши ёмонлашишига олиб келади. Бунинг натижасида бош айланishi, бош оғриғи, хотира ва ақлий иш қобилиятининг пасайиши таракқиёт кила бошлайди. Чекиш юрак-қон томир системаси фаолиятининг ҳам ёмонлашувиға сабабчи бўлади.

● Ичкилик одамларнинг жисмоний соғлиғини нобуд қилади, оила ҳаловатини бузади ва энг даҳшатлиси одамларнинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилади.

● Ҳаёт — ширин, умр — азиз. Уни соғломлик, тинчлик-хотиржамлик, меҳнат ва ҳушчакчаклик билан ўтказиш нақадар катта бахт. Шундай фаровон тушмушимиз гаштини билмаган баъзи одамлар баднафслик билан спиртли ичимликлар истеъмол қиладилар. Натижада, соғлиқларидан ажралиб, меҳнат қобилиятини йўқотадилар, биласини барбод этиб, ўларини телбаллик касалига мубтало этадилар. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз ичкиликни "Умр заволи", "Ҳаёт оғуси", деб бежиз айтмайди. Дарҳақиқат, спиртли ичимликлар инсон саломатлигининг кушандаси. Ибн Сино айтганидек, "Шароб — захарларнинг биридир".

Халқ қадим замондан бери ичкилик ичадиган одам атрофдагиларга ҳам зарарли таъсир қиладиган нуқсон эканлигини таъкидлаб келган.

Байт:  
**Майхўр кишига ҳеч бўлма ошно,**  
**Ундайлардан узоқ юрганинг аъло.**

Тошкент шаҳар ҳоқимияти

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, ўқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазиянгда ажойиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдорлар ва бошқа узига хос ландшафт ечимлари яратишиға қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали усмилликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни таъкилотчиларға 1 октябрғача тақдим этишлари зарур.

Зўриқилган фотосуратлар ва видеотасмалар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади ва тоғиблар аниқланади.

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz  
 Манзил: Тошкент шаҳар, 750005, Мовароуннахр кўчаси, 14  
 Маълумот учун телефонлари 133-21-05, 133-38-03

**ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ**

Жамшидбек Ҳамдамов — 1981 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Мирзо Улуғбек туман суди томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисми «Б» банди билан айбдор деб тоғилиб, унга бир йил муддатта иш ҳақидан 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб ва жазо муддатини иш жойида ўтатиш йўли билан ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ҳукми чиқарилганди. Жамшидбек бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан яна фарибгарлик жиноятини содир этади.

**ТОВЛАМАЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ**

2002 йил март ойида Пушкин кўчаси 79-уйнинг бошқарувчиси Жамшидбекдан «Тошиссиққуввати» бирлашмаси ўртасида тузилган махсус шартномалар, тўлов дафтаралари ва тўлов коммунал хизмат ҳақи икки баравариға ошишини, ҳозир йил охиригача тўланса эски нархда қолишини айтиди. Бу гагга лаққа тушган аёл унга 139-уй, 41-хонадонда ота-онаси яшашини, улар йил охиригача бу тўловларни тўламаганини, борса ота-онаси тўлашлигини айтиди. Жамшидбек дарҳол ўша хонадонға йўл ояди. Лазо Валиев иссиқлик энергияси учун 6 ойға пул тўлаганлиги ҳақидаги қавтанцияни Жамшидбекка кўрсатади. Жамшид уни аврай бошлайди. Л.Валиев ундан гувохномасини сўрайди. У «мен муқоибл хизматдаман» дея гувохномасини кўрсатади, аммо сирини фош бўлишидан қўрқиб, Л.Валиевнинг қўлиға бер-

майди. Исми шарифини Азиз Ахтамов дея яна алдайди. Шунда уй соҳиб қизи Илмираға телефон қилиб, ундан тўловлар ҳақида сўрайди. Кизи етиб боришини айтиди. Илмира етиб келгач, Жамшидбекни кўриб, унга ишонади. Чунки уни ўзи юборган эди-да. Л.Валиев иссиқлик энергияси ҳақини, тўлов дафтарагини Жамшидбекка бергач, у йил охиригача деб 23.244 сўм ёзиб, қавтанциянинг ярмини уй эгасига йиртиб беради. Ярми ўзида қолади. Унга мухр бостириб қўл қўйдириб келишини, эртаға соат 12.00 гача олиб келиб бераман деган ваъдани бериб қўздан йўқолади. Л.Валиев ҳар эҳти молға қарши Жамшидбекдан телефонларини сўраб қолганда у нотўғри рақамларини бериб, алдайди. Эртаси кунни Лазо амаки кечгача уни кутади. Сўнг уйига телефон қилади. Гўшақни ҳеч ким кўтармайди. Уч кундан сўнг М.Улуғбек тумани иссиқлик энергияси тўловларини тўлайдиган жойға бориб Азиз Ахтамовни сўраб, уларни фарибгарнинг қилмишидан огоҳ этади. Улар милицияға мурожаат қилинг, дея маслаҳат беришади. Бу ишға милиция аралашгач товламачи қўлга олинди. Зеро, бу каби қўнғир ишларнинг қийиғи, эртами-кечми албатта чиқади.

**ДИШОД УҚТАМОВ,**  
**Мирзо Улуғбек тумани**  
**прокуратурасининг**  
**III даражали юристи.**  
**Хонбиби МАХАМОВА,**  
**журналист.**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪПОНЛАР**

**Радиоалоқа, радиоэшиттириши ва телевидение марказининг 1-сон радиостанцияси худудида қаровсиз ётган гаражларнинг эгалари 1 ой муддатда гаражларини олиб кетишлари ни сўраймиз. Олинмаган гараж эгаларининг кейинги даъволари ҳисобға олинмайди.**

**ДИҚҚАТ, АУКЦИОН! ХУРМАТЛИ ТАДБИРКOR ВА ИШБИЛАРНОЛАР!**

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 31 октябр 7, 14, 21, 28 ноябрь кунлари аукцион савдоларини ўткази-ди

Савдоларға қуйидаги объектлар қўйилади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қoшидаги Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Саррабўстон кўчаси, 11-уйда жойлашган қурувчилар маркази полилиниканисининг 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АI 087 бўлган УАЗ-3962 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 400 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Султония кўчаси, 24-уйда жойлашган ҳўжалик ҳисобидаги моддий-техника таъминоти идорасига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 265 бўлган МАЗ-53366 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 545 797 сўм. Шунингдек ушбу идоранинг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 51-62 ЕФ бўлган МАЗ-83781 русумли автотиркама-си. Бошланғич нархи 2 889 770 сўм.

- «Ўзқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси, 11-уйда жойлашган «Литейшчи» ширкатига қарашли «XIN TUO» русумли кичик трактор. Бошланғич нархи 4 753 560 сўм.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваро-

уннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдодо қатнашиш истиғини билдирган талабдорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз микдоридаги зақалат пулини Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳисоб-касса марказидаги 00014, ИНН 200950435, 21508000800448035001 ҳисоб рақамиға тўлайдилар.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16«А»-уй. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

**«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

**2003 йил 26 сентябрь кунин ўтказилган аукцион савдоларида:**

- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиғига қарашли Республика ҳайвонлар ўта хавфли касалликлар бўйича ихтисослашган ветеринария лабораториясининг давлат рақами 82-72 ТНД бўлган ВАЗ-2106 русумли автотранспорт воситаси 600 000 сўмға;

- «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли «Йўловчитранссервис» бирлашган ҳўжалик ҳисобидаги марказининг давлат рақами 10 АК 861 бўлган «Доган S» русумли автотранспорт воситаси 1 400 000 сўмға сотилганлигини маълум қилади.

**ИНСОН ҲУҚУКЛАРИ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА**

Ўзбекистоннинг нодавлат ташкилотлари, адлия вазирлиги, адвокатлар ва журналистлардан иборат вакиллар «Инсон ҳуқуқлари бўйича тренинглари»нинг якунлов анжумани»да иштирок этишди. Мазкур анжуман Алматида бўлиб ўтди. Уни инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтлар, инсон ҳуқуқларининг Хельсинки жағфармаси ва Қозғистондаги ЕХХТ маркази ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда Марказий Осиё давлатларининг юздан ортиқ экспертлари иштирок этишди. Улар инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари вакилларидир. Мана бир неча йилдирки, Европанинг халқаро ташкилотлари инсон ҳуқуқларига риоа этиш мониторингини тўрт республиканинг нодавлат ва давлат тасаруфидаги ташкилотлариға ҳисобот тузади ва Варшавада Марказий Осиё, Кавказ мамлакатлари вакиллари ўқув курслари ва семинарлар ўтказиб келади.

— Алмати анжуманининг мақсади, ҳуқуқий химоя йўналишида жамоат ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришидир, — деди Қозғистон ЕХХТ марказининг бошлиғи Антон Рупник. — У шунингдек, иштирокчиларға ўз фаолиятлари бўйича тажриба ва ахборотлар алмашиш, инсон ҳуқуқлар йўналишида ҳамкорликда ҳаракат қилиш йўллари-ни аниқлаб олишға ёрдам беради.

— Анжуман Марказий Осиёнинг ҳуқуқни химоя қилувчи ташкилотлариға умумий вазиға ва механизмларни аниқлашда, муаммоларни тоғиб бартарф этиш ва ҳамкорликда лойиҳалар тузиш имконини яратди, — деди Қозғистон республикасининг инсон ҳуқуқлар ва қонунға риоа этиш бюросининг вакили Роза Оқилбекова. — Текширувлар мобайнида республикаларда маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий ва молиявий соҳаларда тўсиқлар мавжудлиғи аниқланди. Ўз навбатида бу тўсиқлар инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб бериш имконини яратмайди. Бунда нафақат ҳар бир мамлакат, балки бутун Марказий Осиёнинг давлат ва нодавлат ташкилотларининг манфатларини яқинлаштириш лозим.

Анжуман мобайнида болалар ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда, суз эркинлиғи ва ахборот олиш ҳуқуқларидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни кузатувчи махсус гуруҳ ташкил этилди.

«Туркистон-пресс»

# СПОРТ

## Янги марказ иш бошлади

Истиқлол шарафати билан болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ, таэквандо, айкидо, кик-боксинг сингари шарқ яккакураш турларига қизиқиш тобора ортиб борапти. Бундан мамакатаимизнинг ҳар бир ҳудудида ташкил этилаётган клублар, тўғарақлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Дарвоқе, болажонларимизнинг маҳаллий ва халқаро мусобақаларда шарқ яккакураши турлари бўйича кўлга қиратаётган муваффақиятлари қувонарли ҳолдир. Шу боисдан ҳам шарқ яккакураши ва жанговар спорт турларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қошида Шарқ яккакураши ва жанговар спорт турларини ривожлантириш маркази фаолият бошлади. Бундан мақсад каратэ, таэквандо, кик-боксинг, айкидо сингари спорт турлари билан шугулланаётган болажонлар ҳамда ўсмирларга тўғри йўлланмалар беришдир. Зеро, ушбу спорт турлари билан нотўғри шугулланиш оқибатида эндигина вояга етаётган ёш организм шикаст топиши ҳам мумкин. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мутасаддилар иштирокида уюштирилган йиғилишда юқоридаги масалаларни ҳал этиш тadbирлари ҳамда янги марказнинг келгуси режалари ҳусусида сўз борди.

## Ряхов Тошкентга қайтди

АҚШда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ташкилланган бундан жаҳон чемпионати бахслари низоҳасига етди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Антон Ряхов кўпгина давлатлар спортчилари орасида муваффақият қозониб кумуш медал соҳиби бўлди ва ёруғ юз билан Тошкентга қайтиб келди.

## Пойтахт жамоалари беллашди

Мамлакат XII миллий чемпионатининг 25-тур беллашувларида пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» ва «Пахтакор» жамоалари ўзаро куч синашди.

Рақиблари учун «ноқулай» ҳисобланган «Трактор» бу сафар ўз майдонида мамлакатимизнинг етакчи жамоасига қарши муносиб қаршилик кўрсатиши лозим эди. Чунки тракторчиларга очколар сув билан ҳаводек зарур эди. Аммо жорий йилги биринчилик мусобақаларида ўз олдиға фақат чемпион бўлишни ният қилган, боз устиға ҳали бирор марта мағлубиятга урамаган пахтакорчилар яна ажойиб йўин кўрсатиб мезбонлар дарвозасига ягона гол йўллашға муваффақ бўлишди. «Пахтакор»ға ғалаба келтирган ушбу голи мезбонлар дарвозасига Гомар Копадзе киритди.

Қолган ўрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди.  
«Насаф» — «Машъал» 3:1, «Бухоро» — «Металлург» 4:0, «Андижон» — «Қизилқум» 3:2, «Кўкюн-1912» — «Ўлистан» 2:0, «Нефчи» — «Цеменич» 3:2, «Навбахор» — «Дўстлик» 5:1, «Самарқанд-Динамо» — «Срхон» 3:0.

Навбатдаги 26-тур бахслари 4 октябрда бўлиб ўтади.

Газетанинг навбатдаги сони 2 октябрда чиқади.

# ЎЗБЕК САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллик айёмига бағишланган тadbирлар доирасида Хиндистон Халқаро маркази санъат асарлари галереясида «Ўзбек rassомлари асарлари ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси» очилди. Унда республикамизнинг қатор мўйқалам усталари ижодий ишлари, ўзбек миллий либослари, сопол ва чини буюмлар, гиламлар ва бошқа халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимига Хиндистон ҳукумати расмийлари, илм-фан ва маданият арбоблари, хоржий дипломатик ваколатхоналар, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, Хиндистонда таълим олаётган ўзбек-

кистонлик талабалар ташриф буюришди.

Tadbirни очар экан, Хиндистон Республикаси Ташкил ишлар ва маданият ўринбосари Р. Абъякар ўзбек халқини кутлуг айём — Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан самимий кутлагиди.

— Мен бир неча бор Ўзбекистонда бўлганман ва ҳар сафар юртингиздан янгидан-янги ва унутилмас таассуротлар билан қайтаман. Бугун Дехлида ўзбек халқининг ўзига хос ва нафис санъати, бой маданияти билан яна бир бор ошно бўлиш бизни беҳад мамнун этади, — деди у.


Ўзбекистоннинг Хиндистондаги элчиси И. Мавлонов ўзбек ва ҳинд халқларининг кўҳна ва навқирон маданиятининг муштарак жиҳатларига алоҳида тўхталди.

Кўргазманинг очилиш маросими мамлакатимиз элчихонаси томонидан ташкил этилган ўзбек миллий рақсларидан иборат маданий дастурға уланиб кетди. Хонатлас либосидаги ўзбек раққосалари ижро этган жозибали рақслар ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ул-

кан ютуқлари ва кўҳна шаҳарлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиши меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Бу ерда кўплаб хиндистонликларнинг ўзбек rassомлари асарлари ва халқ амалий санъатининг ранг-баранг намуналарини катта қизиқиш билан томоша қилганини кўриб жуда мамнун бўлдим, — деди Хиндистон-Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари, шоир Камар Раис. — Халқларимиз бир-бирини ҳурмат қилади, адабиети ва санъатини гоят қадрлайди. Хинд диёрларида Алишер Навоий, Бобур ва бошқа ўзбек мутафаккирларининг кўплаб таржима асарлари мавжудлиги фикримнинг яққол исботидир.

Шухрат УМИРОВ «Жаҳон» АА Дехли.



Шаҳримиздаги МХСК спорт залида икки кун давомида дзюдо бўйича 10-12 ёшли болалар ўртасида пойтахт биринчилиги учун беллашувлар бўлиб ўтди. Биринчилик бахслари «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда пойтахт дзюдо федерацияси ташкилотчилигида уюштирилди.

## ЁШ ДЗЮДОЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Болажонларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, маҳоратларини ошириш ва иқтидорли ёшларни саралаш мақсадида ташкил этилган биринчилик бахсларида 26, 29, 32, 35, 38, 41, 45, 50, 55 килограммгача ва ундан юқори вазнлардаги ёшлар иштирок этишди. Улар «Динамо», «Ёшлик», 41-БЎСМ, «Тошкент трактор заводи», «Янгийўл» клублари шарафини ҳимоя қилишди.

Қизгин беллашувлардан сўнг ўз вазн тоифаларида Альберт Аҳмадиев, Илҳом Абдуқодиров, Мансур Мўминхўжаев, Рустам Гофуржонов, Азиз Қурбонов, Алишер Иноғомжонов, Шаҳбоз Дадабоев (ҳаммаси «Ёшлик»дан) ва «Динамо» клубининг ёш вакиллари Самар Муҳторов, Ноил Хаитов ва Сардор Кенжаевлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Мутахассислар барча рақиблари устидан енгиб ва чиройли ғалабаларға эришган Ноил Хаитов ва ғалабаға бўлган юқори иродани намойиш қилган Сардор Кенжаевнинг маҳоратларини алоҳида таъкидлашди.

Умумжамоа ҳисобида эса «Ёшлик» «Динамо» ва «ТТЗ» клублари бошқаларни ортда қолдиришди.

Барча голиб ва совриндорлар Фаҳрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: беллашувлардан лаўға; биринчилик голиблари. Алексей Попов олган суратлар.

## • МУСОБАҚАЛАР

### ЁШЛАР ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ

Бугунги кунда ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояға етишлари йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Жойларда ўтказилаётган турли спорт мусобақалари, беллашувлар, қизиқарли марафонлар ҳам соғлом турмуш тарзини кўзлаб уюштирилмоқда.

Куни кеча «Қамолот» ЁИХ Сергели тумани бўлими, туман ички ишлар бўлими, туман халқ таълими бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, туман мудофаға кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида, «Ёшлар гиёвандликка қарши» широри остида узоқ масофаға югуриш бўйича ўтказилган спорт мусобақалари ҳам ана шу хайрили ниятни кўзлаб ташкил этилди.

Ушбу соғломлаштириш тadbирларида тумандаги 27 та мактабдан 10 нафардан ўғил болалар ҳамда 4 нафардан қизлар қатнашдилар. Бундан ташқари тумандаги 6 та коллеж талабалари, жами 500 нафар ўғил-қизлар югуриш мусобақаларида иштирок



этдилар.

Мусобақа мурасасиз, низоҳатда қизиқарли кечди. Ниҳоят голиблар аниқланди. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китоблариға кўра, ўсмирлар ўртасида фақат ғалаба учун курашган Аъзам Иминов (молия-иқтисодиёт коллежи талабаси), қизлар ўртасида эса Альбина Аҳмедова (300-мактаб ўқувчиси) голиблар сафини бошқаришди.

Ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашға катта ҳисса бўлиб қўшилган марафон югуриши мусобақасининг голиб ва совриндорлари эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: марафон югуриши мусобақасидан лаўға. Сергей Любич олган сурат.

## ФИЛИППИНДАН ҚАЙТИШДИ

Филиппинда бўлиб ўтган Осиё чемпионатидан енгиб атлетикачиларимиз тўртта олтин, битта кумуш ва бешта бронза медал билан қайтишди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз спортчилари Жаҳон ва Осиё чемпионатларида фаол иштирок этишиб, ўз муҳлислари ишончларини оқлашмоқда. Мазкур нуфузли чемпионатда 39 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, ҳамюртларимиз эришган натижалар салмоқлидир.

100 ва 200 метрга югуриш бўйича мусобақаларда Л.Перипиловаға ҳеч ким тенг келолмади. У иккита олтин медални кўлга киритди. Яна битта олтин медал В.Смирновага насиб этган бўлса, А.Журавлева узунликка сакраш бўйича энг юқори кўрсаткиччи намойиш этди. Умумжамоа ҳисобидаги якуний натижаға кўра, мамлакатимиз терма жамоаси учинчи поғонадан жой олди. Спортчиларимизни Хитой ва Қатар мамлакатларида бўлиб ўтайдиган чемпионатлар кутмоқда.

«Туркистон-пресс»



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; факс: 133-28-95, 132-11-39, 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўғоғи бирини А-3 3871 нускада босилади.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Наһр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта

Наһрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почташиси» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.